SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/4 (3) - 2023

# ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

# АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

# ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SP1342V3SI4Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

***№ S/4 (3) – 2023***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

### ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2023**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа октори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

**Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

## *МУНДАРИЖА*

**07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

*Аббасов Беҳзод Бахтиёрович*
1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ БОШЛАНИШИ ........ 10-21

*Бабаджанов Хасан Бахтиёрович*
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ ........ 22-27

*Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*
ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ........ 28-36

*Rasulov Ma'murjon Foziljonovich*
OʻZBEKISTONDA XALQARO SAYYOHLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS OBYEKTLARINING OʻRNI ........ 37-42

*Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна*
А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ ........ 43-51

*Esonov Ziyodbek Yuldashevich*
FARGʻONA VODIYSI QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN ........ 52-58

*Фарманова Гульнара Комилевна*
ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА АФРАСИАБЕ ........ 59-65

*Turaev Sherzod Gulboy ugli*
DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH ........ 66-71

*Сотиболдиев Ғайратжон Отамирзаевич*
ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР ........ 72-78

*Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich*
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ........ 79-90

*Абдуллажанова Нигорахон Турдалиевна*
БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН ........ 91-95

*Дониёров Носиржон Абдухолиқ ўғли*
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН ........ 96-102

**08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

*Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқулова*
ИСЛОМИЙ СУҒУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ........ 103-109

*Фозилов Умид Закирович*
БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ ....... 110-118

*Shoyev Davronbek Axmadjonovich*
BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA "MENEJMENT LABORATORIYASI"NI TASHKIL QILISHNING O'RNI ....... 119-125

*Орзуқулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи*
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ....... 126-133

*Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur*
O'ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONIYATLARI ....... 134-139

*Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o'g'li*
YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI ....... 140-146

*Ёдгорова Шахноза Хайридиновна*
ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ ....... 147-155

*Qurbonov Ma'murjon G'ayrat o'g'li*
ASOSIY ISHLAB CHIQARISH KO'RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI ....... 156-166

*Nurullayev Hoshimjon Hamidovich*
BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O'ZBEKISTON TURIZMI RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI ....... 167-172

*Маматов Бахадир Сафаралиевич*
РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ ....... 173-188

*Ғойипназаров Санжар Баходирович*
ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ....... 189-195

*Садинов Азиз Зиядуллайевич*
ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ....... 196-203

*Қурбонова Рахима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Хакимов Дамир*
ИЖТИМОИЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ ....... 204-216

*Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o'g'li*
YASHIL IQTISODIYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSIYALARNI YO'NALTIRISH ZARURIYATI ....... 217-222

*Исломов Алишер Бахтиёр ўғли*
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ........ 223-229

*Agzamova Nargiza Gapurovna*
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN ..... 230-237

*Муродова Дилноза Чориевна*
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ ........ 238-245

*Khodjaeva Shodiyabonu Abitdjanovna*
QISHLOQ XOʻJALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING FUNKSIYALARI ........ 246-250

## *09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ*

*Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна*
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ ........ 251-259

*Ibroximov Sarvar Moʻydinjon oʻgʻli*
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA OʻQITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI TAKOMILLASHTIRISH ........ 260-265

*Yuldashev Ibroxim Toʻychiyevich*
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN’ATINING ADABIYOT BILAN OʻZARO UYGʻUNLIGI VA GʻOYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING MUSHTARAKLIGI ........ 266-271

*Khamdamova Sitora Safarovna*
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING OʻZIGA XOSLIGI ........ 272-277

*Абдуллаев Джасур Абдиваит ўғли*
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО ЧЕЛОВЕКА ........ 278-283

## *10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ*

*Xasanov Akbarjon Abdurashidovich*
OʻZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK BIRLIKLAR BOʻYICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR ........ 284-292

*Qurbonova Muharram Jurabekovna*
XURSHID DAVRON SHE’RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI ........ 293-297

*Сафарова Замира Рустамовна*
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК ТАСНИФИ ........ 298-304

*Gubaydullin Artur Faridovich*
THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS' .... 305-313

*Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi*
ETEL LILIAN VOYNICHNING "SO'NA" ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ... 314-318

*Seytnazarova Injayim Erjanovna*
TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDALMALARNING USLUBIY QOʻLLANILISHI ........ 319-325

*Асадова Дилбархон*
ЎРХОН ПАМУҚНИНГ "ҚОРА КИТОБ" РОМАНИДА "ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ" МОТИВИ ..... 326-342

*Khusanov Eldor Davlat oʻgʻli*
BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALARINING O'XSHASH VA FARQLI JIHATLARI ........ 343-348

## 12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

*Утемуратов Махмут Ажимуратович*
ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ ........ 349-355

*Шымбергенова Улзада*
ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........ 356-362

*Полвонов Нажмиддин Аслиддинович*
ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ ........ 363-372

*Мирзаев Шухрат Шавкатович*
КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ ........ 373-382

*Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли*
"ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ" ........ 383-392

*Махмудов Суннат Азим ўғли*
ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ........ 393-399

## 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

*Farrux Axmedov*
XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH ........ 400-409

*Музафарова Саодат Хайдаровна*
ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ ........ 410-415

*Xaydarova Iroda Nizomiddinovna*
BO'LAJAK INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI NAZARIDAN 2020-2021 O'QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ... 416-421

*Шукурова Нафиса Алишеровна*
ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ ... 422-427

*Nigmanov Bori Botirovich*
FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI OʻYINLARNING AHAMIYATI ... 428-433

*Муродова Дурдона Раимжон қизи*
БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ ... 434-438

*Axmedov Alisher Nosir oʻgʻli*
ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI ... 439-447

*Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi*
BOSHLANGʻICH SINF OʻQUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUGʻLASH MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI ... 448-452

*Mansurbekova Feruza Gayratovna*
BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING OʻZIGA XOS XUSUSIYATLARI ... 453-456

*Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna*
OʻQITUVCHI MEHNATNI ILMIY ASOSDA TASHKIL ETISH YOʻLLARI ... 457-465

*Atamuratova Munira*
OʻZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJIY TIL SIFATIDA OʻQITISHDA MADANIY ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL METODLAR TAVSIFI ... 466-471

*Нурилло Эминов*
ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА БИР НАЗАР ... 472-476

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ S/4 (3)-2023.
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

*08.00.00- Иқтисодиёт фанлари*

**Орзуқулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи**
Шароф Рашидов номидаги СамДУ таянч докторанти
e-mail: zumrad.orzuqulova@mail.ru, +998901900037

# ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада ташқилий-иқтисодий механизм тушунчасининг пайдо бўлиши, унга берилган таърифлар келирилган. Транспорт-логистика хизматларини кўрсатувчи субъектларни турли даражалари учун ташқилий-иқтисодий механизм тузилиши тавсифланган. Транспорт-логистика хизматларини самарадорлигини оширувчи, рақобатбардошликни таъминловчи ташқилий-иқтисодий механизм таклиф этилган. Унинг таркибий қисми ва белгилари кўрсатиб берилган. Ташқилий-иқтисодий механизмнинг янги таклиф этилган элементларининг зарурлиги, вазифаси ва бошқа элементлар билан боғлиқлиги изоҳланган.

**Калит сўзлар:** механизм, иқтисодий механизм, ташқилий-иқтисодий механизм, транспорт-логистика корхоналари, механизм таркибий элементлари, ташкилий тузилма, логистик рейтинглар, транспорт экспедиторлик фирмалари каталоги.

**Орзукулова Зумрад Абдухалик кизи**
Базовый докторант СамГУ имени Шарафа Рашидова
e-mail: zumrad.orzuqulova@mail.ru, +998901900037

# ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ТРАНСПОРТНО-ЛОГИСТИЧЕСКИХ УСЛУГ

**Аннотация.** В статье описано возникновение понятия организационно-экономического механизма и его определений. Описана структура организационно-экономического механизма для различных уровней субъектов, оказывающих транспортно-логистические услуги. Предложен организационно-экономический механизм, повышающий эффективность транспортно-логистических услуг и обеспечивающий конкурентоспособность. Указаны его состав и признаки. Объясняется необходимость, функции и взаимосвязь вновь предложенных элементов организационно-экономического механизма с другими элементами.

**Ключевые слова:** механизм, экономический механизм, организационно-экономический механизм, транспортно-логистические предприятия, структурные элементы механизма, организационная структура, логистические рейтинги, каталог транспортно-экспедиторских компаний.

**Orzukulova Zumrad Abdukhalik kizi**
Phd student at SamSU named after Sharaf Rashidov
e-mail: zumrad.orzuqulova@mail.ru, +998901900037

# ORGANIZATIONAL ECONOMIC MECHANISMS OF INCREASING THE EFFICIENCY OF TRANSPORT LOGISTIC SERVICES

**Abstract.** The article describes the emergence of the concept of organizational-economic mechanism and its definitions. The structure of the organizational-economic mechanism for different levels of entities providing transport-logistics services is described. The organizational-economic mechanism that increases the efficiency of transport-logistics services and ensures competitiveness is proposed. Its composition and signs are indicated. The composition and characteristics of mechanism are indicated. The necessity, functions and interconnection of the newly proposed elements of the organizational-economic mechanism with other elements are explained.

**Keywords:** mechanism, economic mechanism, organizational-economic mechanism, transport-logistics enterprise, structural elements of mechanism, organizational structure, logistic rating, catalog transport-logistic company.

DOI: https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N16

**Кириш.** Транспорт-логистика хизматларига бўлган талаб тоборо ортиб бораётган бир шароитда мазкур хизматларни кўрсатувчи субъектларнинг фаолиятини мувофиқлвштириш, тартибга солиш, назорат қилиш, муаммоларни бартараф қилиш ва рағбатлантириш каби масалалар ҳам юзага чиқа бошлайди. Бу эса ўз навбатида давлат даражасида мазкур субъектларнинг фаолиятини тартибга солишда зарурий механизм бўлишини ва у доимий асосда такомиллаштирилиб турилишини талаб этади. Мазкур ишда ана шу механизмнинг зарурати, тузилиши ва такомиллаштирилиши ҳақида сўз боради.

Ўзбекистон Республикасида транспорт ва логистика соҳасидаги масалаларни мувофиқлаштирувчи бир нечта ташкилотлар бор. Бу ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги, вазирлик таркибидаги, кўмита, агентлик, марказлар ва бошқармалар, Давлат Солиқ Қўмитаси, Давлат Божхона қўмитаси, давлат хизматлари агентлиги ва уларнинг қуйи бўғиндаги ташкилотлар ва жойлардаги бўлинмалари киради. Транспорт логистика хизматларини кўрсатувчиларга эса “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ, “Ўзтемирйўлконтейнер”АЖ, логистик марказлар, экспедиторлик фирмалари, хусусий тадбиркорлар, терминаллар, ўзи ишлаб чиқарган товарларни ўзи етказиб берувчи корхоналар киради. Бу корхоналарнинг мулкчилик шакли хар хил. Улар жойлашган ҳудудлардаги мавжуд инфратузилмага қараб у ёки бу транспорт туридан кенгроқ фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси дунё океанига тўғридан тўғри чиқиш имконига эга бўлмаган 29 та давлатдан бири ҳисобланади. Шу билан бирга айнан Ўзбекистон ва Лихтенштейн икки карра дунё океанига чиқишда чегараланган 2 давлат ҳисобланади[8]. Бу эса ўз навбатида ташқи савдо муносабатларида транспорт хизматларининг юқори нарх ва кўп вақт эвазига амалга оширилишини изоҳлайди. Мамлакатимиз бу борада кўшни давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб темир йўл орқали портларга қичишга уриниб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистонни эса Карачи, Гвадар ва Қосим портлари билан боғловчи “Термиз–Мозори-Шариф–Қобул–Пешавор” темир йўли қурилишини қўллаб-қувватлаш бўйича келишувга эришилган ва қурилиш ишлари бошланган[8]. Мамлакатимиз кўни давлатлардан Афғонистон, Қирғизистон, Қозоғистон каби кўшни давлатлар билан темир йўл линиялари орқали дунё портларига чиқишга доимий равишда харакат қилиб келади. Аммо бу кўшни мамлакатлардаги мураккаб сиёсий вазият, иқтисодий манфаатлар тўқнашуви, рақобат каби омиллар бу ҳамкорлик домий барқарорликда бўлишига тўсқинлик қилмоқда.

Статистик маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, 2022 йилда ташилган юкларнинг 90,19 % автомобил транспорти орқали ташилган[7]. Бу мамлакатда шу транспорт туридан фойдаланиш учун инфратузилманинг яхши даражада эканлигидан далолат беради. Аммо ташки савдо муносабатларида еткачи бўлиш учун бу етарли эмас.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Механизм атамаси фақат иқтисодиётга тегишли бўлмаган умумий атама ҳисобланади. У иқтисодиётга Лео Гурвиц томонидан киритилган бўлиб, иқтисодий механизм назариятсининг асоси бўлиб хизмат қилган. Кейиналик Эрик Маскин механизмларнинг дизайни, хусусиятлари ва критерияларини ишлаб чиқди. Роджер Майерсен эса асосий назарий постулатларни қўллаб назарияни амалиётга кўчиришга хизмат қилди.

Гурвицнинг фикрича, механизм субъект ва марказ ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бўлиб, у уч босқичдан иборат. Биринчи босқичда ҳар бир субъект марказга хабар юборади. Иккинчи босқичда марказ олинган хабарлар асосида натижани ҳисоблайди. Учинчи босқичда эса марказ натижани эълон қилади ва заруратга кўра амалиётга жорий қилади[4; 25-б].

А.Н.Бычкова механизмга объектни харакатга келтирувчи ўзаро боғлиқ элементлар тўплами деб таъриф берган. Бунда ҳам механизм элементлардан иборат бир тўплам сифатида қаралган.

“Иқтисодий механизм” атамаси “механизм” атамасига нисбатан ёш бўлиб, унга нисбатан кенг тарифни А.Кульман берган. Унинг фикрича, иқтисодий механизмни умумий кўринишда турли иқтисодий ҳодисалар ўртасида табиий равишда пайдо бўладиган зарурий ўзаро боғлиқлик деб тушуниш керак. Кульман турли иқтисодий механизмлар ўртасидаги боғлиқликнинг асосида иқтисодий анализ ётиши кераклигини таъкидлаган. Иқтисодий механизмлар қонунлар доирасида ҳаракат қилади.

Ю.М.Кисилеванинг фикрига кўра, иқтисодий механизм бу инсон фаолиятининг ишлаб чиқариш муносабатлари таъсири остида ҳаракатга келтирувчи восита, ўзаро боғлиқ элементлар занжиридир. Бунда иқтисодий механизмни бутун бир ускуна ёки восита сифатида қаралиб, у муайян бир иқтисодий жараённи кетма-кетлигини, тартибини ва ўзаро боғлиқлигини аниқлайди. Бу жараёнлар жамиятнинг ишлаб чиқариш, истеъмол ва айрибошлаш жараёнларида табиий равишда юзага келади ва уларни макро, мезо ва микро даражаларда ўрганади.

**Иқтисодий механизмнинг асоси бўлиб хизмат қилган “Ўйинлар назарияси”.** Джон Неш томонидан ишлаб чиқилган ва 1994 йилда шу иши учун Нобел мукофотига созовор бўлган. Бу назарияда механизм ўйин тарзида тушунтириб берилган. Бунда ўйин иқтисодиётда субъектлар қандай харакат қилиши ва ҳар қандай ҳаракатлар натижаси нима бўлишини тушунтириб беради.

Замонавий иқтисодий атамалар луғатида “Иқтисодий механизм –иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатувчи, уларни тартибга солувчи воситалар ва методлар мажмуасидир” деб таъриф берилган [5;375-б].

Юқоридаги таърфлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таърифни берамиз:

*Иқтисодий механизм бу иқтисодиётдаги у ёки бу жараёнларни ҳаракатга келтирувчи ва ишлашини таъминловчи ўзаро боғлиқ элементларан иборат мураккаб тизимдир.*

Энди ташкилий-иқтисодий механизм тушунчасига келадиган бўлсак, бу тушунча иқтисодий механизмга нисбатан кўпроқ амалий аҳамиятга эга бўлган тушунчадир. Бунда иқтсодий механизмнинг элементлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик қандай йўлга қўйилганлиги, уларнинг ўзаро ва тескари таъсири қандай содир бўлиши аниқ ифодаланади.

Ташкилий-иқтисодий механизм бу бошқарув субъекти таъсир кўрсатадиган объектга олдига қўйган мақсадга эришиши учун фойдаланадиган норматив ҳуқуқий хужжатлар, ташкилий тузилма, ундовчи мотивлар, методлар, чоралар ва воситалардан иборат бошқарув тўпламидир.

Ташкилий-иқтисодий механизм қанчалик яхши ва тўғри ташкил этилган бўлса корхона, худуд, миллий иқтисодиёт шунчалик яхши натижаларга эришади. Рақобатбардошликни оширади, аҳоли истъемолини тўлароқ қондириб, кўпроқ фойда олишга эришилади.

Транспорт-логистика хизматларини тўғри ташкил этилиши ва мамлакат ЯИМ даги бу хизматларнинг улушини ортиши кўп жиҳатдан бу соҳадаги ташкилий-иқтисодий механизмга боғлиқдир.

**Муҳокама.** Иқтисодий механизм каби ташкилий-иқтисодий механизмни ҳам микро, мезо ва макродаражаларда кўриб чиқиш мумкин. Микродаражада транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатувчи корхоналар, мезодаражада бутун республика ҳудудида хизмат кўрсатувчи “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, макродаражада Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги фаолиятини кўриш мумкин. Ташкилий-иқтисодий механизмнинг зарурлиги ва аҳамияти ҳақида олиб борилган ишларда кўплаб мисоллар ва назариялар келтирилган. Бу фикрлани инкор этмаган ҳолда ташкилий-иқтисодий механизмнинг аҳамиятини корхона фаолияти мисолида тушунтириб ўтамиз. Ҳажмидан қатъий назар корхона ўз фаолияти давомида кўрсатадиган хизматлари учун бу хизматларни амалга ошириш жараёнинг кетма кетлигини тузиб олади(1-чизма).

1-чизма



**1-чизма. Транспорт-логистик корхонасининг ташкилий-иқтисодий механизми**

Ҳар бир жараёнга бир мутахасис масъул бўлади. Бу жараёнлар ўртасидаги бевосита ва билвосита боғлиқликка кўра ўша мутахасислар бир бирига бўйсиниш ёки тенг даражада жавобгарлик тартибида ўзаро муносабатда бўлади. Уларнинг барчаси якуний ҳисобда бир шахсга корхона раҳбарига бўйсинади. Маъсулияти ва жараёндаги иштирокига кўра олинган фойдадан ўз улушини олади. Якуний натижадан манфаатдорлик ҳар бир жараён иштирокчиси учун сифатли хизмат кўрсатиш асоси бўлиб хизмат қилади. Корхона раҳбари нафақат ўзи балки, бўйсинув тартиба кўра ҳам ўзидан қуйидаги мутаҳасислар учун жазолаш ва рағбатлантириш, тенг даража учун таклиф, тавсиялар ва эътироз билдириш ричагларига эга бўлиши керак.

Мезодаражадаги ташкилий-иқтисодий механизмга темирйўл транспортида хизмат кўрсатувчи оператори "Ўзбекистонтемирйўллари" АЖни мисол қилиш мумкин (2-чизма). Корхона билан солиштирганда катта масштабга эга эканлиги, бутун республика бўйлаб ёйилганлиги билан фарқ қилади. Ҳудудий бўлинмаларидан ташқари темир йўлга хизмат қилувчи инфратузилмани ҳам ўз ичига олганлиги билан ажралиб туради.

2-чизма




**2-чизма. "Ўзбекистон Темирйўллари" АЖнинг ташкилий-иқтисодий механизми[6].**

Чизмадан кўриниб турибдики корхона ҳажми катталашгани сари ташкилий тузилма мураккаблашиб, бўғинлар сони ва улар ўртасидаги алоқани ўрнатиш ҳам

қийинлашади. Шунга мос равишда кўрсатилаётган ташиш ва сақлаш хизматлари ҳам катта ҳажмда кўрсатилади. Макродаражада дейилганда бутун республика миқиёсида транспорт ва логистика муносабатларини ҳалқаро ва маҳаллий даражада тартибга солувчи ташкилий иқтисодий механизм назарда тутилиб, бизнинг фикримизча 3-чизмада кўрсатилганидек бўлиши керак. Бунда юқори ташклот сифатида Транспорт Вазирлиги туради. Вазрлик таркибида ҳудудий бўлинмалардан ташқари йўл инфратузилмаси, илмий тадқиқот, кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ таркбий қисмлар мавжуд. Бу механизмнинг ҳар бир элементи яна элементларга бўлинади. Бу ташкилий-иқтисодий механизмда * белги билан белгиланган транспорт-логистикани хизматлари самарадорлигини ўлчаш ва мониторинг қилинг маркази ташкил этилиши ва у марказ бюджет маблағларини тежаш мақсадида Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш марказининг бир бўлими сифатида ташкил этилиши мумкин. Бу марказ мамлакатда мавжуд корхоналарни рейтингини аниқлайди ва уларни рағбатлантириш механизмини бажарувчиси бўлади. Ҳудудларни логистик самарадорлигига қараб гуруҳларга ажратилади. Мамлакатда мавжуд потенциални аниқлаш, оқсаётган ҳудудларга ёрдам кўрсатиш масалалри билан шуғилланади.

3-чизма




**3-чизма.Ўзбекистонда транспорт-логистика хизматларининг ташкил этилиши ва назорат қилинишининг ташкилий-иқтисодий механизми**

Маҳаллий логистика самарадорлиги рейтинги тузилганлигига қарамасдан у рейтинг ҳисобланмаган ва корхоналар ўртасида мутлақо қизиқиш уйғота олмаган. Сабаби рейтинг Жаҳон Банки рейтингини айнан ўзи бўлиб, у бизда ички ҳолатни баҳолаш учун мос эмас. Жахон Банки томонидан ишлаб чиқилган рейтинг ҳам анча назарий асосланган бўлишига қарамасдан айрим камчиликларга эга. Жумладан, интерполяция ва бош компонентлар усулидан фойдаланилганлиги учун айрим давлатларнинг рейтинги мамлакатдаги ҳолатни тўла ифодаламайди. Рейтинг асосан хорижий фойдаланувчилардан сўровнома асосида олинган маълумотларга асосланган. Шунинг учун ҳам мамалкат ички ҳолатини ифодаловчи миллий рейтинг зарур. Бундан ташқари ривожланаётган давлатларда логистика бозорини баҳоловчи (EMLI) ва Глобал интеграция индексини ҳисоблаш учун ҳалқаро ташкилотлар билан музокаралар олиб бориш зарур. Бу мамлакатдаинвестицион салоҳиятини оширишга сабаб бўлади.

Ҳудудлар ва Республика бўйича ўртача самарадорлик кўрсаткични ишлаб чиқиш зарур. Бу кўрсаткич асосида етакчи ҳудудлар ва корхоналар аниқланиб уларга солиқ ва божхона имтиёзлари муайян даврларга мазкур марказ маълумотномаси асосида берилишини йўлга қўйиш керак. Шунда бу марказнинг таъсир этиш воситаси бўлади. Бундан ташқари хорижий мижозлар ва инвесторлар учун миллий ва ҳалқаро транспорт-логистик хизматлар кўрсатувчи корхоналар каталогини тузиш ва уни кенг оммалаштириш масаласи билан шуғилланиш лозим. Каталогга кириш шартларини ишлаб чиқиш зарур. Масалан, Россиянинг Ekbpromo Group оператори ҳар йили бир марта Россия ва МДҲ давлатлари омборлари ҳақида “Гид Склады РФ” каталогини нашр этилиб, бозор ҳолати,етакчилар, ҳудудлардаги объектлар ҳақида маълумот мавжуд.

Чизмада Логистик марказлар бўғини * белги билан белгиланган бўлиб, бунда мамалкатда ҳозир мавжуд логистика макразлар 2 PL профайдерлари эканлиги, ҳозирда 4 PL га ўтиш ишлари олиб борилаётганлиги сабабли 4 PL ҳам бор деб берилган.

**Натижалар.** Юқорида келтирилган таърифлар, олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб, транспорт-логистика хизматларини тартибга солиб турувчи ташкилий – иқтисодий механизм такомиллаштирилиб борилиш зарур. Чунки рақамли иқтисодиёт ва яшил иқтисодиёт сари илдам одимлаб бораётган жамиятда мавжуд механизмлар самарали бўлмай қолади. Таклиф этилган механизм амалиётда жорий этилиб кўрилиши зарур.

Шундай қилиб, транспорт-логистика хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий –иқтисодий механизми бир нечта белгиларга эга:

- субъектлар зртасидаги иқтисодий жараённи ишга туширишда воситачилик қилади;

- даражасидан қатъий назар умумий асосга эга бўлиб, элементлари шу асосда қурилади ва фаолият юритади;

- элементлардан иборат тузилма;

- тартибга солиб туриладиган тизим ҳисобланиб, механизм харакатга келиши учун уни ишга туширувчи, тартибга солувчи субъект керак.

Тартибга солувчи субъектни ўзгартирмаган ҳолда, корхоналар, логистик марказлар, солиқ, божхона муносабатларини тартибга солувчи ўзаро рағбатлантириш ва назоратни ўз ичига олган механизмга такомиллаштирилиши зарур.

**Хулоса.** Мамлакатимизда мавжуд транспорт-логистика хизматлари ташкилий – иқтисодий механизмини такомиллаштирилиш орқали бу хизматлар самарадорлигини ошириш, натижада ташқи савдода рақобатбардошликка эришиш мумкин. Бундан ташқари, мамлакатнинг инвестицион салоҳиятини ошириш учун ривожланаётган давлатларда логистика бозорини баҳоловчи (EMLI) ва Глобал интеграция индексини ҳисоблаш ва халқаро рейтингларда Ўзбекистонни рейтинги кўтарилишини таъминлаш зарур. Бу билан шуғиланишни марказ таркибига кирувчи бўлинмага топшириш ва маҳаллий кўрсаткичлар тизимни ҳам ишлаб чиқариш зарур. Шу билан бираг хорижий мижозлар ва инвесторлар учун миллий ва ҳалқаро транспорт-логистик хизматлар кўрсатувчи корхоналар каталогини тузиш зарурияти бор.

## Адабиётлар/Литература/References:

1. Бычкова А.Н. ЭКОНОМИЧЕСКИЙ МЕХАНИЗМ: ОПРЕДЕЛЕНИЕ, КЛАССИФИКАЦИЯ И ПРИМЕНЕНИЕ / Вестник Омского университета. Серия «Экономика». 2010. № 4. С. 37–43.
2. Измалков С., Сонин К. Теория экономических механизмов (Нобелевская премия по экономике 2007 г.) // Вопросы экономики. 2008. № 1.
3. Кульман А. Экономические механизмы / обш. ред. Н.И. Хрусталевой. М., 1993.
4. Прокофьева Т.Ю. СООТНОШЕНИЕ ПОНЯТИЙ «ЭКОНОМИЧЕСКИЙ МЕХАНИЗМ» И «ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ МЕХАНИЗМ» / Вестник МФЮА № 1 / 2017 21-26 стр
5. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. М., 2007.
6. https://lex.uz/ru/docs/345368?ONDATE=15.02.2005
7. https://stat.uz/uz/
8. https://www.uzanalytics.com/iqtisodiet/10081/

ISSN: 2181-1342 (Online)
Сайт: https://scienceproblems.uz
DOI: 10.47390/SP1342V3SI4Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

*№ S/4 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).